

ТУРКИСТОНДА “САДОИ ФАРҒОНА” ГАЗЕТА ТАРИХИГА ДОИР АЙРИМ ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Чаросхон Косимова

ФДУ тарих мутахассислиги 2-босқич магистранти

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: Матбуот, газета, жаид, мусаххих, маърифат, босмахона, маърифат.

Аннотация

Ушбу мақолада Фарғона вилояти “Садои Фарғона” газета тарихига доир илмий адабиётлар ва расмий ҳисоботлар асосида фикр-мулоҳазалар акс этган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлидан бормоқда. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида инкор этиб бўлмайдиган муваффақият ва ютуқларга эришаётганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг тарихимизни кўп жабҳаларини ўрганиш учун имкониятлар яратилди. Маълумки ўзбек матбуоти тараққиёти-нинг 47 йили Туркистонда чоризм ҳукмронлиги даврида 74 йили эса шўро тузumi шароитида кечди. Тадқиқотчилар томонидан матбуотимиз тарихини ёритувчи талайгина мақола рисола ва китоблар яратилди. Бироқ уларнинг ак-сарияти шўро ҳокимияти шароитидаги ҳукмрон мафкура талаблари асосида ёзилганлиги сабабли кўп холларда матбуотимизнинг тараққиёт йўли ҳақида холисона тасаввур бера олмайди. Шу боис олдимизда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари тарихини замонавий ҳаққоний ёритишдек муҳим илмий вазифа кўндаланг турибди.¹ Бундан 109 йил муқаддам 1914 йилнинг апрель ойида Туркистон ўлкасида кетма кет иккита хусусий миллий матбуот нашри “Садои Фарғона” ва “Садои Туркистон” газеталари майдонга келди. Мил-латнинг маданий-маърифий эҳтиёжларини зарурати туфайли пайдо бўлган бу газеталарни XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракатининг йўлбошчилари-дан Махмудхўжа Бехбудий эгизак нашрлар деб атаган эди. “Садои Туркистон” 4 апрелдан чиқа бошлаган. Бугунги кунда биз “Садои Туркистон” газетасини миллий тарихимиздаги ўрни унинг маърифатчилик ғояларини тарғиб қилишдаги хизмати ҳақида маълум тасаввурга эгамиз². Аслида Фарғона матбуотининг тўнғичи – “Садои Фарғона” газетаси тарихи ҳақида айрим фикр мулоҳазаларим. Ҳолбуки “Садои Фарғона” ҳам миллатнинг кўзини очишда уни юксалиш сари чорлашда муносиб хизмати бор. Ташкилотчилари ва раҳномалари жаидлар ҳисобланади. Миллий газета ва журналларимиз хусусида шўролар замонида ноҳолис фикрлар айтилар ёхуд улар ҳақида умуман лом-лим дейилмасди. Миллий тараққиёт ғояларини тарғиб қилган “Садои Фарғона” газетаси ҳам ҳукмрон мафкура манфатларига хизмат қилмайдиган тарихий манба деб ҳисобланган.³

¹ Н.А. Абдуазизова. Миллий журналистика тарихи (Генезис ва эволюция) – Тошкент: 2008. – Б. 10.

² Т. Пидаяев. Матбуот – миллат чирогини. – Тошкент: 1999. – Б. 51.

³ Т. Пидаяев. Матбуот – миллат чирогини. – Тошкент: 1999. – Б. 58.

Юртимиз тарихини тиклаш, уни ҳаққони гавдалантириш зарурати барча илк миллий даврий нашрларимиз фаолиятини атрофлича ўрганишни ва холис баҳолашни тақозо этмоқда “Садои Фарғона” газетасига кўп тадқиқотчилар мурожаат қилишларига, у ҳақда махсус илмий ишлар яратилишига аминмиз. Аммо, “Садои Фарғона” нинг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи бор эди.

Туркистоннинг йирик сармоядорларидан бири биринчи тоғ-кон саноат-чиси, Қўқон жадидлари, Ғайрат жамияти раҳбари ва “Садои Фарғона” (1914-1915) газетасининг муҳаррири Туркистон Мухторияти ҳукуматининг аъзоси бўлган таниқли жадид Обиджон Маҳмудов (1858-1936) Фарғона тараққийпар-варларнинг пешқадами эди. У ўзининг тижорат ишлари билан Россиянинг марказий ҳудудлари Волга бўйи ва Кавказда бир неча бор бўлди. У ердаги ижтимоий сиёсий ҳаёт, кишиларнинг турмуш тарзи, маданияти қарашлар билан танишди, Туркистонда ҳаёт мустамлакачилик сиёсатининг ёрқин намунаси эканлигини у янада чуқур англаб етди, энг маърифий соҳаларни вужудга келтириш замонавий асосга қурилган хунарманчиликни ривожлантириш каби асосий масалаларга асосий эътиборини қаратди. Унинг йирик пахта тозаловчи заводи, хусусий босма хонаси ҳам бўлган. Шулар воситасида бутун куч ва ғайратини миллатнинг тараққиёти йўлида сарф этди.⁴

Обиджон Маҳмудов маърифат йўлида ўзидан кечган фидойи инсон эди.

У газетани бойиш, ном чиқариш учун эмас, балки маърифат тарқатиш ниятида ташкил қилганлигини англаиб “Садои Фарғона” нинг биринчи сонидан мана бу сўзларни ёзганди. “Газета нашридан мақсадимиз тижорат эмас, балки халқимизга қўлимиздан келган қадар хизмат демакдир”.

Ўзбек драматург ва журналисти Зиё Саидовнинг ёзишича “Садои Фарғона” Фарғонада биринчи марта ўзбек тилида чиқарилган газета, таҳририятининг таркиби бор йўғи уч кишидан, ношир ва муҳаррир Обиджон Маҳмудов (чоток) эди. Мусаҳҳих (тузатувчи корректор) бўлиб Ашурали Зоҳирий ва таржимон Усмон Нурийдан иборат бўлган. Газета ҳафтада уч марта тўрт саҳифада босилган. 1915 йил апрелга қадар чиққан 123 та сони мавжуд. Бундай ҳажмдаги газетани тайёрлаш ва чиқариш учун таҳририят аъзолари қанчалик куч-ғайрат сарфлаганликлари ўз-ўзидан маълумдир. Газетага, айниқса Ашурали Зоҳирийнинг меҳнати кўп синган. Қўқонлик йирик маърифатпарвар адиб Ашурали Зоҳирий ўша пайтда рус-тузем мактабида муаллимлик қилар, жамоатчиликка мумтоз адабиёт ва тил илмининг пухта билимдони сифатида танилган эди. Материалларни таҳрирдан чиқариш асосан унинг зиммасида бўлган. “Садои Фарғона” да чоп этилган сара мақолаларнинг аксарияти Ашурали Зоҳирий томонидан ёзилган. Газетачи сифатида дастлаб “Садои Фарғона” да тобланган Ашурали Зоҳирий келгусида миллий матбуотимизни етакчи намоёндалари сафидан ўрин олди, халққа ўз ҳақ-ҳуқуқларини танитиш унинг миллий мафаатларини англашиш йўлида астойдил жон куйдирди. Газета ношири Ашурали Зоҳирий кўмагида ўша даврнинг машхур тараққийпарвар қаламкашларни “Садои Фарғона” да ҳамкорликка жалб қила олди. Газетада Ҳамза Хақимзода Ниёзий, Чўлпон, Тавалло, Иброҳим Даврон, Саидахмад Васлий Самарқандий, Шоқир Мухторий, Холид Саид каби шоир ва мақоланавислар иштирок этганлар.

“Садои Фарғона” ўз тарғиботида асосий эътиборни муҳим ижтимоий муаммоларни муҳокама қилишда баҳс мунозара усулини қўллаган ва шу йўл билан ҳақиқатни юзага чиқаришга интилган. Газетанинг маърифатпарварлари тараққийпарварлик ғояларининг изчил тарғиботчиси бўлгандир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Садои Фарғона” нинг шу кунгача сақланиб келаётган сонларни варақлар эканмиз, XX аср бошидаги сиёсий, ижтимоий, ахлоқий муҳит ҳамда зиёлилар

⁴ Н. Авдуазизова. Матбуот зиёси (Фарғона вилояти матбуотида чизгилар). – Тошкент: 2009. – Б. 8

маънавияти ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Чунки биз у орқали миллат ва Ватан ўтмишини ўрганамиз. Шундай қилиб,оммавий ахборот воситаси нафақат маълум макон ва замонда ахборот тўпловчи, таҳлил қилувчи ва тарқатувчигина эмас, балки тарихни муҳрлагувчи восита вазифасини ҳам бажаради.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Ш.М.Мирзиёев.Эркин ва фаровон,демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент:Ўзбекистон,2016
2. И.А.Каримов.Тарихий хотирасиз йўқ.– Тошкент:Шарқ,1998.
3. И.А.Каримов.Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент:Шарқ,2008.
4. Н.А.Абдуазизова.Туркистон матбуот тарихи (1870-1917) – Тошкент:2000.
5. Н.А.Абдуазизова.Оммавий ахборот воситалари. – Тошкент:Академия,2002.
6. Т.Пидаев. Матбуот – миллат чироғи.Давлат илмий нашриёти,1999.
7. Зиё.Саид.Танланган асарлар.– Тошкент:1927.
8. Н.Абдуазизова.Миллий журналистика тарихи(Генезис ва эволюция).– Тошкент:Шарқ,2008.
9. Н.Абдуазизова.Матбуот зиёси (Фарғона вилояти матбуотига чизгилар).–Тошкент: Академия, 2009.